

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Сурхондарё вилоят хокимлиги “Ягона
буюртмачи хизмати” инжиниринг
компанияси директори
харид комиссиясининг раиси


А.Х.Арамов

«___» ____ 2022 йил

Курилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ишлари бажарувчи пудрат
ташкilotларига талаб этиладиган хужжатлар рўйхати

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

Термиз - 2022 йил

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 31 январдаги “Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-46-сонли Қарорининг “Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низоми талаблари тавсиявий амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очиқ турда бўлиб, лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишини амалга ошириш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 1 комплект

Хизматларнинг максимал нархи: энг яхши таклифларни танлаб олишга кўйилган нарх қўшимча қиймат солиги билан **928 173 993 сўмни** ташкил қиласди.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган лойиха-смета талабларига биноан бажарилиши лозим.

Курилиш давомийлиги: 180 кун.

Марказлашган маблағлари ҳисобидан лойиха-смета хужжатлари асосида қурилиш монтаж ишларини амалга оширишувчи пудрат ташкилотини аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказишдан мақсад – мазкур объектни лойиха-смета хужжатлари асосида қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотини аниқлаш.

Буюртмачи – Сурхондарё вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати”

инжинииринг компанияси

Манзили: 100190, Термиз ш. Бокуменко кўчаси 5 уй

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Компаниянинг молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бош мутахассиси Чориев Ҳамроқул Чориевич.

Тел.: (97) 532-91-92

I Давлат буюртмачиси

Мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишининг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

Давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ўтказиша давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

Харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

Конунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат харидларини режалаштириши;

Конунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

Конунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

Харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

Давлат харидларини амалга оширишда аффилланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

Бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва микдорлари мавжудлиги тасдиқланган- тақдирдагина махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштириши шарт.

II Харид комиссияси

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни ўрганиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини баҳолашни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Конунга мувофиқ амалга

оширади;

III. Давлат харидларида коррупцияга йўл кўймаслик

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очиқ манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

IV Иштирокчи

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

давлат буюртмачисига муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ (*танлаш савдоси ўрганишиши бошланишидан бир кун олдин*) тақдим этилган таклифларга узгартиришлар киритиш ва уларни қайтариб олиш ҳукуқига эга;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги ва ҳакконийлиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи ва унинг афилланган шахси айни битта танлаш савдосида иштирок этиш ҳукукига эга эмас.

V Танлаш савдоси иштирокчисига қўйиладиган талаблар:

Таклифларни тайёрлайди ва харид комиссияси ўрганиши учун электрон (*xarid.izex.uz*) платформасига бириктиради.

Жумладан:

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномаси нусхаси ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингида мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлари бўлиши шарт;

- Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (1-шакл);
- Ўхша什 обьектларда охирги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл);
- Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл);

- Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (4 шакл);
- машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл);
- Нархга оид таклиф (6 шакл).

Талабгорлар мазкур талаблар бўйича тақдим этилган хужжатлари **1-иловага** мувофиқ баҳоланади.

Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартомалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги тўғрисида кафолат хати.

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплади.

Танлаш ғолиби – тақлифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

Захирадаги ғолиб – энг яхши тақлифларни танлашда ғолибдан кейинги ўринда турган паст балл тўплаган иштирокчи.

Ғолиб бўлган талабгор билан шартнома имзоланади.

VI Танлашда қуидаги талаблар тақдим этилмаса иштирокчиларнинг тақлифлари нолга tengлаштирилади:

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномаси нусхаси ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингида мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлари бўлмаса;
- шартномани бажариш учун олий маълумотли малакали кадрлар, зарур қурилиш техникаси ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаса;
- инсофсиз ижро чиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлар мавжуд бўлса;
- аввалги буюртмаларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган бўлса;

VII Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш, банкротлик ёки буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;
- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш тақлифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни тақлиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

VIII Давлат харидни бекор қилиш.

Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳукуқига эга.

Давлат хариди бекор килинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай карор кабул қилингандан кейин уч иш куни ичидан давлат харидларининг электрон тизими оркали маҳсус ахборот порталида мазкур карорнинг асослантирилган сабаблари эълон қилинади.

Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар булмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний харакатлари (харакатсизлиги) окибатида булган холлар мустасно.

IX Махфийлик

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчisi харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ тақлифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

X Танлаш хужжатининг таркиби

Иштирокчи унга берилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

XI Танлаш хужжатларига аниқлик киритиш

Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равища мурожаат қилишлари мумкин:

Комиссияси иштирокчининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчилари мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

XII Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш

кунидан кечиктиirmай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

XIII Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

Танлов таклифи нархи миллий валюта лозим.

Махсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

XIV Танлашда қўлланиладиган тил

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

XV Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади. (2022 йил 1 январгача)

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

XVI Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равища мазкур танлаш ҳужжатлари асосида тақдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларидағи барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифи буюртмачи таклиф нархидан баланд ҳамда 95 фоизидан паст бўлмаган ҳолда таклифлар танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

XVII Муқобил таклифлари

Буюртмачи таклиф нархидан баланд ҳамда 95 фоизидан паст кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

XVIII Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак. (2022 йил 1 январгача)

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш ва харидларни амалга ошириш 2022 йилнинг 1 январдан маҳсус давлат харидларининг электрон (<https://xarid.uzex.uz>) тизимида амалга оширилиши белгиланган.

XIX Танлашни ўтказиш

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. (2022 йил 1 январгача) Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишида иштирокчиларнинг бошлангич нархидан баланд ҳамда 95 фоизидан паст бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

XX Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Давлат харидлари тўғрисиидаги қонун талаблари асосида танлаш савдосини ўтказиш 2022 йилнинг 1 январдан маҳсус давлат харидларининг электрон (<https://xarid.uzex.uz>) тизимида амалга оширилиши белгиланган.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши

тўғрисидаги эълонни узокроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қўйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошлангич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотлар ва маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 1 кун қолгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

XXI Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибини аниқлаш

Таклифларни таққослаш натижаларига қўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида комиссия иштирокчидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

Комиссия танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида олиб қолади.

Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибининг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак. (2022 йил 1 январгача)

Агар икки иш куни ичига танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиши натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси байённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади. (2022 йил 1 январгача)

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади. (2022 йил 1 январгача)

XXII Танлаш қуидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишининг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг бошланғич нархдан юқори ёки 95 фоизидан паст таклиф этган бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

XXIII Танлаш натижаларини расмийлаштириши

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

ТАНЛОВ САВДО ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ АХБОРОТ

Савдо иштирокчисининг номи _____
 Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____ Манзил
 ва телефон (факс) рақами _____ Юридик мақоми _____
 томондан, ордер ёки буйруқ берилган №) _____ Тузилган сана (ким

Асосий фаолият тури (стат органи коди бўйича) _____
 Раҳбар ва унинг ўринбосари:

№	Ф.И.О.	Маълумоти (укув муассасаси, мутахассис-лик, диплом берилган сана ва раками)	Курилишда иш тажрибаси (йил)	Эгаллаб турган Лавозими	Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил)

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, прораблар, усталар, мухандис ПТО ва бошк):

№	Ф.И.О.	Маълумоти (укув муасс.мутахас. диплом раками ва санаси)	Курилиш иш тажрибаси (йил)	Участка (булим) номи, эгаллаб турган Лавозими	Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил)

Доимий ишловчи ходимлар (ишчилар):

№	Мутахассисликлар номи	Жами сони, ш.ж. мутахассислиги ва разряди бўйича	Шундан (3-устун) малакасини тасдиқловчи хужжати борлар	Шундан (4-устун) курилишда 10 йилдан кам булмаган иш тажрибасига эга булганлар
1	2	3	4	5
Жумладан:				
Шундан:				
Бетон куювчилар	разряд			
Гишт терувчилар	разряд			
Том ёпувчилар	разряд			
Пайвандчилар	разряд			
Сантехниклар	разряд			
Дурадгорлар	разряд			
ва бошкалар				

ОКбошлиғи _____
 (имзова ФИШ)

Танловсавдоси иштирокчиси
 Раҳбаринингимзоси: _____ МУ

Тузилган сана : « ____ » 20 ____ йил

(Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт)

ТАНЛОВДА ҚҮЙИЛГАН ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШЛАГАНЛИГИ БҮЙИЧА ОХИРГИ З ЙИЛДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ

(Танлов савдоси иштирокчисининг номи)

	Объект номи, буюртмачи/бош пудратчи билан түзилгандын шартнома сүммасы, ишнинг бошланиши ва тугаш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар (Факат бажарилган асосий иш турларини күрсатиш зарур)	Сумма	Ш.ж. йиллар бўйича		
					20__ й.	20__ й.	20__ й.
1							
2							
3							
<i>Жами:</i>							

Танлов савдоси иштирокчиси раҳбарининг имзоси _____

MY

Тузилган санаси: «__» 20 __ й
Ишонч билдирилган _____

(бош хисобчининг ФИШ) (имзоси)

Мълумотлар хар бир объект иши турлари буйича мустакил түлдирилади ва давлат кабул килиши комиссияси далолатномалари нусхалари билан тасдикланади.

ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИ.
(шаклга молиявий натижалар тұғрисидаги 3 йиллик хисоботлар илова килинади)

(танлов савдо иштирокчисининг номи)

АКТИВ	20__й.	20__й	20__й.	ПАССИВ	20__й.	20__й	20__й.
Узок муддатли активлар				Ўзлик маблағлари манбай			
Асосий воситалар				Низом капитали			
Шундан ишлаб чыкариш фондлари қолдиқкүймати				Таксимланмаган фойда			
Капитал қуайлмалар				Мажбуриятлар			
Тугалланмаган ишлаб чыкариш				Займлар			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган карзлар			
Айланма маблағ				Шундан бюджет бўйича карзлар			
Шундан ишлаб чыкариш захиралари				Шундан иш хақидан карзлар			
Дебитор қарзлар				ЖАМИ Балансининг пассиви бўйича			
Шундан муддати ўтган							
ЖАМИ балансининг активи бўйича							

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(минг. сўм хисобида)

Номлари	20__й.	20__й	20__й.	Харажатлар	20__й.	20__й	20__й.
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан тушган соф тушум				Шундан: - асосий фаолият бўйича			
3. Ишлаб чыкарилган маҳсулот таниархи				- Умумхўжалик фаолият Бўйича			
4. Маъмурӣ харажатлар				9. Асосий фаолиятдан фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятидан фойда			
6. Даромаддан солик тўлангунга кадар фойда				11. Зарар Шундан: - асосий фаолият бўйича			
7. Фойдадан солик				- умумхўжалик фаолият Бўйича			

Баланс фойдаси _____

Кейинги уч йилда банкротлик ёки тўловга қобилиятсизлик юзасиданн судлашиш ишлари олиб борилганни

Рахбар _____
(имзо)

Бош ҳисобчи _____
(имзо)

М.У.

Сана: « ____ » 20 ____ й.

ИЗОҲ: Танлов иштирокчисининг молиявий холати бўйича охирги уч йилдаги маълумотлари (баланс хисоботлари нусхаси) тегишили солик идоралари ёки аудитор компаниялари томонидан тасдиқланган холда тақдим этилиши шарт.

(тандов савдоси иштирокчиси)
корхонасининг молиявий холати хақида

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 05 майдаги “Капитал курилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 3240-сонли фармонига мувофиқ тандов савдоси иштирокчиси тандов савдолари ўтказилаётган даврда ўзининг молияловчи банки тамонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги ҳақида маълумотномани белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда тақдим этиши керак.

тандов савдоларида кўйилган тандов предметининг қийматига нисбатан 20% дан зиёд айланма маблағларга эга бўлганлиги муносабати билан	тандов савдоларида кўйилган тандов предметининг қийматига нисбатан 20% дан зиёд айланма маблағларга эга бўлганлиги муносабати билан
молиявий холати	айланма маблағларга эга бўлганлиги муносабати билан
	томонидан тандов савдоси иштирокчисига унинг мазкур маълумотнома

объекти бўйича тандов савдоларида иштирок этиши учун тақдим этилади.
“_” 2022 й. Холатига тақдим этилган балансга кўра қўйидаги молиявий кўрсатгичлар қайд этилди:

Баланс бўйича кўрсатгичлар:	2022 йил “_” холатига
ЖАМИ мулк	
Узоқ муддатли активлар	
ш.ж: Асосий воситалар (қолдик қиймат)	
Номоддий активлар (қолдик қиймат)	
Айланма маблағлар	
ш.ж: Ишлаб чиқариш захиралари	
Дебитор қарзлар-жами	
Пул маблағлари-жами	
Ўз маблағлари	
ш.ж: Устав капитали	
Қўшилган капитал	
Резерв капитал	
Тақсимланмаган фойда	

2022 йил “_” холатига картотека-2 бўйича қарздорлик мавжуд эмас. Ташкилотнинг асосий ҳисоб рақамида қолдик маблаг _____ сўмни ташкил қиласди.

Корхонага 12 ой (намуна 01.01.2021 й.дан 01.01.2022 й.гача) ташкилотнинг асосий ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари _____ сўмни ташкил қилиб, ўртача ойлик тушум _____ сўмни ташкил қиласди. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни курсатадики, _____ корхонаси _____ минг.сўм микдорида айланма маблағларга эга бўлиб, микдор обьект бошлангич нархининг 20% дан анча юқориидир.

Юқорида номи келтирилган обьект бўйича кредитни расмийлаштириш зарурати туғилганда, Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган тартибда кредит бериш учун етарли микдорда ресурс ва имкониятга эгадир.

Банк бошқарувчиси: _____
(Исми фамилияси, имзо мухр)

Бош хисобчи: _____
(Исми фамилияси, имзо мухр)

**ЭСЛАТМА: МАЗКУР МАЪЛУМОТНОМА БАНК РАҲБАРЛАРИНГ ИМЗО МУХРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНИБ, РУЙХАТГА ОЛИНГАН ҲОЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ.**

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ПУДРАТЧИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР РҮЙХАТИ

Танлов савдоси иштирокчиси раҳбарининг имзоси

MY

Тузилган санаси: «_» 20_й

(Ижарага олинган бўлса шартнома нусхаси хамда техник паспортлар нусхаси илова қилинади)

(буортмачининг номи)
**ЛОЙИХАНИ БАЖАРИШ УЧУН
 БҮЮРТМА**

(объект номи)

1. Биз, кўйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов хужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган хужжатларга мувофиқ: **KKC билан – (сўз билан) сўм.**
KKC сиз – (сўз билан) сўмга айтилган барча ишларни бажариш ва якунлашни хамда улардаги топилган камчиликларни бартараф этишни таклиф этамиз.
2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган холда, буортмачидан ишга киришиш хақидаги ёзма Хабарномани олганимиздан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан _____ кун мобайнида уларни якунлаш мажбуриятини оламиз.
3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб \varnothing календарь кун мобайнида амал килади.
4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги хақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.
5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги биз олган Хабарнома, бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва биз уни ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.
6. Буортмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг кичик нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.
7. Танлов иштирокчилари жўнатилган № _____ сонли хабарномалар биз томондан хисобга олинган.
8. Буортмачи билан ўзаро хисоб-китобларни танлов комиссиясини мажлислар баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий баҳоларда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
 ШАҲС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН
 ТАСДИҚЛАНАДИ**

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИННИГ УМУМИЙ ГРАФИГИ

Т-б №	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1.			

Изоҳ: Қурилишининг умумий графигида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари хисобга олинган холда) ва уларни бажсарини муддатлари кўрсатилади. Қурилишининг умумий графиги пурратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва қурилаётган обьектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бории мајсбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИННИГ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҮМУМИЙ ГРАФИГИ

аванс тўлаш ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган холда

Молиялаштириш шартлари	Қурилиш йиллари 2022-йил											
	Қурилиш ойлари											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
30 % хажмдаги аванс (2 ойга teng улушларда)												
95% хажмда жорий молиялаштириш												
5 % -фойдаланишининг кафолатли муддати тугагандан сўнг берилади												

ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ

ИНШООТ УЧУН САРХИСОБ ЖАДВАЛИ

(иншоот номи)

(оферент номи)

№	Наименование затрат	Таклифимиз жорий нархларда қиймати минг.сўм
1	Затраты на строительные материалы и конструкции	
2	Оборудование	
3	Затраты на эксплуатацию машин	
4	Затраты на основные зарплаты	
Итого:		
	Прочие затраты и расходы подрядчика	
	Страхование объекта 0,32%	
	Итого стоимость строительства текущих ценах без НДС	
	НДС 15%	
	ИТОГО стоимость СМР	

Ишлаб чиқилган физик иш ҳажмлари ведомостлари илова қилиниши шарт.

Изоҳ: Талабгор томонидан ишлар ҳајсми ведомостлари ишлаб чиқилиб юқоридаги жадвалининг 25 % меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ставкаси билан биргаликдаги сўммаси буюртмачининг бошлангич нархидан юқори бўлса талабгорнинг таклифи кўриб чиқилмасдан рад этилади.

Корхона рахбари: _____ мухр урни

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАҲС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ**

Таклифларини техник ҳамда молиявий қисмини баҳолаш мезонлари

№	Күйилмаларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори
I.	Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умуний маълумотлар (1-шакл).	15
1	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт)	4
2	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга мухандис-курувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт)	3
3	Домимијаравиша ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги	5
4	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	3
II	Ўхшаш обьектларда охирги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).	20
1	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (хар бир йил 5 балл билан баҳоланади)	5-15
2	Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш	5
III	Танлов иштирокчининг молиявий ҳолати (3-шакл).	20
1	Талабгорнинг молиявий ҳолати (шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик хисоботлар илова килинади)	12
2	Давлат солик идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиштирма далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим))	8
